

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМУРОДОВ ХУСНИДДИН ТОШБОЛТАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ ИККИПАЛЛАЛИ (BIVALVIA:
UNIONIDAE, CORVICULIDAE) МОЛЛЮСКАЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич Ўзбекистон сув ҳавзаларининг иккипаллали (Bivalvia: Unionidae, Corbiculidae) моллюскалари.....	5
Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич Двустворчатые моллюски (Bivalvia: Unionidae, Corbiculidae) водных бассейнов Узбекистана	31
Boymurodov Husniddin Toshboltaevich Bivalvia Molluscs (Bivalvia: Unionidae, Corbiculidae) of the Water Basins of Uzbekistan.....	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	58

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БОЙМУРОДОВ ХУСНИДДИН ТОШБОЛТАЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН СУВ ҲАВЗАЛАРИНИНГ ИККИПАЛЛАЛИ (BIVALVIA:
UNIONIDAE, CORVICULIDAE) МОЛЛЮСКАЛАРИ**

03.00.06 – Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.2.DSc/B32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.flora-fauna.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Изатуллаев Зувайдулло Изатуллаевич
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Позилев Абдувойит Позилевич
биология фанлари доктори

Ақромова Фируза Джалалиддинова
биология фанлари доктори

Холбоев Фахриддин Раҳмонқулович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Тошкент давлат педагогика
университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.29.08.2017.B.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» «_____» соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел./факс: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 262-79-38, E-mail: ibz@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232-уй, БЗИ. Тел./факс: (+99871)289-04-65, (+99871)262-79-38.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Дж. Азимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б., б.ф.д., профессор, академик

Г.С.Мирзаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

Э.Б.Шакарбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда биологик ресурсларни инвентаризациялаш ва улардан фойдаланиш инсоният олдида турган аҳамиятга молик бўлган долзарб муаммодир. Айниқса, Ер юзининг куруқлик қисми кенг ўзлаштирилаётган бир пайтда сув биологик ресурсларидан фойдаланиш истиқболларини такомиллаштириш ва уларни муҳофазалаш аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, дунё сув биоценозларида икки паллали моллюскалар иккиламчи маҳсулдорликни ҳосил қилишда асосий ўринни эгаллайди ва айрим сув ҳавзаларида моллюскалар биомассаси бентос организмлар биомассасининг 70-80% ни ташкил этиши мумкин¹.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш ва биологик хилма-хилликни асраш борасидаги ишларга катта эътибор қаратилди. Бу борада соҳада йўлга қўйилган самарали тадбирлар асосида муайян ютуқларга, хусусан, республикамиз сув экотизимларидан фойдаланиш табиий ва сунъий сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш бўйича натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегиясидан² келиб чиққан ҳолда, кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва такомиллаштириш, ҳайвонот турларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилишни таъкидланганлиги бугунги кунда сув ҳавзаларининг биологик имкониятларидан, хусусан бентос организмларидан хавфсиз ва самарали фойдаланишни тақозо этади.

Жаҳонда сув экотизимлари биологик ресурсларига, хусусан, икки паллали моллюска маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, бугунги кунда икки паллали моллюскалардан 13588,2 млн. тонна озиқ-овқат хом ашёси ҳамда 5,9 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги марварид етиштирилмоқда³ ҳамда ривожланган мамлакатларда улардан сув ҳавзаларини тозалашда фойдаланилмоқда⁴. Бу ўринда, айниқса, икки паллали моллюскалар ичида чучук сувларда тарқалиши бўйича алоҳида ўринга эга Unionidae ва Corbiculidae оиласи вакиллариининг тур таркиби ва улардан амалда фойдаланиш имкониятларини излаб топиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, бу ўринда маъмурий ҳудудлардаги Unionidae ва Corbiculidae оиласи турларининг тур таркибини аниқлаш; уларни барча табиий ва сунъий сув ҳавзаларидаги тарқалиши имкониятларини асослаш; икки паллали моллюскаларни инвазион тарқалувчи организм сифатидаги ўрнини очиб бериш; турли тип сув ҳавзаларидаги икки паллали моллюскаларнинг организм ва популяция кўрсаткичларини аниқлаш; турли сув ҳавзаларида камёб, эндем ва йўқолиб кетаётган турларнинг ҳолати ва уларга таъсир этувчи омилларни асослаш; икки паллали моллюскалардан сувнинг турли

¹ World Health Organization (WHO) (http://apps.who.int/iris/bitstream/10665/44101/1/9789241563826_eng.pdf?ua=1).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

³ South Sea Pearl Necklace Price Wholesale Pearls Lombok Indonesia (<http://missjoaquim.com/southseapearls/blog/indonesian-pearls-in-figures>)

⁴ GE's Water & Process Technologies (www.gewater.com).

хилдаги ифлосланиш даражаларини аниқлаш, сувни тозалаш, озиқ-овқат хом ашёси ва маданий марварид етиштиришда фойдаланиш сифатидаги имкониятларини баҳолаш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 142-сонли «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари Дастури тўғрисида»ги ва 2014 йил 20 октябрдаги «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-тамойилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи⁵. Икки паллали моллюскаларнинг систематикаси, экологияси ва уларнинг иқтисодий тармоқлардаги аҳамиятига йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Louisville (АҚШ), University of Hawaii (АҚШ), Natural History Museum of Bern (Швейцария), Dipartimento di Biologia, Complesso Universitario di Monte S. Angelo (Италия), Bogor Agricultural University (Индонезия), Research Centre For Oceanography (Индонезия), Institute for Biological Research (Сербия), University of Warmia and Mazury in Olsztyn (Польша), Украина давлат табиатшунослик музейи (Украина), Оренбург Давлат университети (Россия) ва Самарқанд Давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Чучук сув ҳавзалари икки паллали моллюскаларининг ҳавзалараро тарқалиши, экологияси, популяциялари ҳолати, икки паллали моллюскалардан марварид етиштириш технологиясига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: икки паллали моллюскаларининг маҳаллий турлари таркиби ва уларнинг сув ҳавзаларидаги тарқалиши ҳамда тақсимланиши аниқланган (Natural History Museum of Bern, Швейцария); сув ҳавзаларига инвазион моллюска турларининг кириб келиш йўллари экологик тамойиллари очиб берилган (Natural History Museum of Bern, Швейцария);

⁵ Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, www.researchget.com, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

моллюска популяциялари ёш тузилмаларининг шаклланиши аниқланган (Украина давлат табиатшунослик музейи, Украина); ташқи таъсирлар натижасида моллюска популяцияларининг биологик ёш гуруҳлари ўртасидаги ўзгариш ва қайта тикланиш жараёнлари исботланган (Оренбург Давлат университети, Россия); инвазион турларда дастлабки марварид етиштириш усуллари ишлаб чиқилган (Bogor Agricultural University, Индонезия); сунъий сув ҳавзаларида марварид етиштириш усуллари такомиллаштирилган (University of Hawaii, АҚШ).

Дунёда икки паллали моллюскаларнинг ҳудудий тур таркиби ва уларнинг аҳамияти бўйича, қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: икки паллали моллюскаларни ҳавзалараро тарқалиши ва тақсимланишида сунъий сув ҳавзаларининг ўрнини аниқлаш; табиий сув ҳавзалари гидрологик режими ва гидрокимёвий таркибини икки паллали моллюскалар популяцияларига таъсирини аниқлаш; камёб, йўқолиб бораётган ва ноёб турларнинг популяция ҳолатларини баҳолаш ва шу асосда муҳофаза қилишга мўлжалланган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш; садаф қавати мустахкам ва экологик чидамли моллюскаларни марварид олиш амалиётига жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Икки паллали моллюскаларнинг ҳудудий тур таркиби ва тарқалиши, систематикаси, уларни муҳофаза қилиш бўйича илмий ишлар хорижлик олимлар James H.Thorp., Alanp Covich (1991), Aldridge DC (1999), Bouchet P (2007), Huber Markus (2010), Bogan A.F (2010), Annabelle Cuttelod et al. (2011) ва иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, сунъий сув ҳавзаларида улардан марварид етиштириш бўйича тадқиқотлар Maria Haws (2002), Mamangkey NGF et al.(2009), Rahayu S., et al. (2009), Sata Yoshida Srie Rahayu., et al. (2013) томонидан олиб борилган.

МДХ мамлакатларида икки паллали моллюскаларни ҳудудий хилма-хиллиги, таксономик тузилиши ва улардаги ўзгарувчанлик белгиларини аниқлаш бўйича Bogatov V.V., Starobogatov Ya.I. (2004), Bogatov V.V. (2014), Андреев Н.И ва бошқ. (2009) популяциялари ҳолатини баҳолаш ва глобал инвазион турларининг тарқалиши Алёхина Г.П. ва бошқ.(2007), Panov V.F., et. al. (2009), Сон М.О (2009), Янович Л.Н. (2013); икки паллали моллюскаларни сувни ифлосланганлик даражасини аниқлашдаги аҳамияти бўйича айрим тадқиқотларни Рижинашвили А.Л. (2009), Синтюрина А.В., Бигалиев А.Б. (2009), Кузменкин Д.В. (2015) ишларида кўриш мумкин.

Республикамизда икки паллали моллюскаларнинг турли сув ҳавзаларида тарқалиши, морфологияси ва ресурсларига оид маълумотлар етарли эмаслигини айтиш жоиз. Бу ҳақдаги маълумотлар фақатгина З.И Иззатуллаев (1992) тадқиқотларида ўз аксини топган бўлиб, уларда Ўзбекистон айрим сув ҳавзаларидаги маълум турлар тўғрисидаги маълумотларнигина учратиш мумкин. Бу маълумотлар сув ҳавзалари макробентос организмлари ичида экологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга Unionidae ва Corbiculidae оиласи моллюскаларнинг тўлиқ тур таркиби ва тарқалиши бўйича етарли

хулосаларни бера олмайди. Бу ўринда, Ўзбекистоннинг барча турдаги (табиий ва сунъий) сув ҳавзаларида учрайдиган икки паллали моллюскаларнинг инвентаризация қилиш, уларнинг сув ҳавзаларига боғлиқ тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, камёб ва эндем турлари популяцияларининг замонавий ҳолатини баҳолаш ва иқтисодий тармоқларда фойдаланиш истиқболларини ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 4Ф.4.1.7 «Ўзбекистон моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги» (2003-2007) ва 9.0.11 «Ўзбекистон катта икки паллали моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги ва улардан марварид етиштириш технологияси» (2009-2011) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги икки паллали (*Bivalvia: Unionidae* ва *Corbiculidae*) моллюскаларнинг фаунистик таркибини аниқлаш ва улардан фойдаланиш истиқболларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги *Bivalvia* синфи *Unionidae* ва *Corbiculidae* оилалари турлар таркибини аниқлаш;

табиий ва сунъий сув ҳавзаларда иккипаллали моллюскаларнинг биотопларда тарқалиши, зичлиги ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

дарёларда иккипаллали моллюскаларнинг камёб ва эндем турлари популяцияларининг замонавий ҳолатини ўрганиш;

икки паллали моллюскаларнинг сапроблик хусусиятларини очиб бериш;

икки паллали моллюскаларни сув ҳавзаларининг табиий радиоактивлигини аниқлашдаги ўрнини баҳолаш;

чучук сув ҳавзаларида *Unionidae* оиласи турларидан марварид етиштириш истиқболларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистоннинг табиий ва сунъий сув ҳавзаларида тарқалган *Bivalvia* синфи *Unionidae* (*Sinanodonta gibba*, *S. puerorum*, *S. orbicularis*; *Colletopterum bactrianum*, *C. cyreum sogdianum*, *C. ponderosum volgense*, *C. kokandicum*) ва *Corbiculidae* (*Corbicula cor*, *C. fluminalis*; *Corbiculina tibetensis*, *C. ferghanensis*) оилаларининг 10 тур ва 2 кенжа тури ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети икки паллали моллюскалар тарқалган табиий ва сунъий сув ҳавзалари, популяциялари ҳамда уларнинг биоиндикаторлик хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик, малакологик, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон сув ҳавзаларида Bivalvia синфи Unionidae ва Corbiculidae оилаларига мансуб икки паллали моллюскаларнинг 10 та тур ва 2 та кенжа турдан иборат рўйхати тузилган;

икки паллали моллюскаларнинг уч тури – *Sinadonta orbicularis*, *S.gibba*, *S.puerorum*ларни биринчи марта Ўзбекистон сув ҳавзаларида тарқалиши ва зичлиги аниқланган;

дарёларнинг гидрологик режими билан боғлиқ ҳолда уларда Unionidae ва Corbiculidae оиласи вакилларининг тақсимланиши очиб берилган;

сунъий сув ҳавзаларининг икки паллали моллюскалар тарқалиш манбаси ва йўли сифатидаги аҳамияти баҳоланган;

илк бор камёб ва эндем моллюскалар биологик ёш гуруҳларининг популяцияларда тақсимланиши очиб берилган;

икки паллали моллюскаларнинг сапроблиги аниқланган ва уни моллюскаларнинг сув ҳавзаларида тарқалиш даражаси билан боғлиқлиги исботланган;

икки паллали моллюскаларнинг сув ҳавзалари радиоактивлигини аниқлашдаги имкониятлари баҳоланган;

илк бор Ўзбекистон иқлими шароитида балиқчилик хўжаликларида *Sinanodonta* уруғи турларидан марварид етиштириш йўллари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

моллюска популяцияларидаги биологик ёш гуруҳ нисбатлари, улар популяциялари ҳолатини белгилаб беришидаги аҳамияти аниқланган ва бу маълумотлар эндем ва камёб турларни сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза чоратадбирларини ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотлар мажмуаси ҳисобланади;

икки паллали моллюска турларининг сапроблик индекслари асосида тузилган сапроблик спектрлари ҳамда улар чиғаноғининг радиоактивлиги натижалари сув ҳавзаларини органик ва радиоактив ифлосланганлик даражасини аниқлаш учун тавсия этилган;

чучук сувларда *Sinanodonta* уруғи турларидан марварид олиш бўйича натижалар балиқчилик хўжаликлари шароитида улардан жаҳон андозаларига мос ўртача катталиқдаги (L_{16}/L_{23}) марваридлар олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган малакалогик ва гидрологик усул ва ёндошувлар асосида олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни Biostat-3.8 дастурлари асосида статистик таҳлил қилинганлиги, диссертация амалий натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти макрозообентослар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган икки паллали моллюскаларнинг (Bivalvia: Unionidae, Corbiculidae) тур таркибини аниқланганлиги; моллюскаларни табиий ва сунъий сув

хавзаларида тарқалиш хусусиятларини очиб берилганлиги; моллюска популяциялари ҳолатини аниқлашда уларнинг биологик ёш гуруҳ нисбатлари аҳамиятини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти икки паллали моллюскаларни сувнинг органик ва радиоактив ифлосланганлик даражасини аниқлашдаги ролининг исботланганлиги ҳамда балиқчилик хўжаликларида улардан кўшимча равишда марварид етиштириш мумкинлигини асосланганлиги билан тушунтирилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон сув хавзаларида икки паллали моллюскаларнинг тарқалиши, популяцияси ва улардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

икки паллали моллюскаларнинг биоиндикаторлик хусусиятлари ҳамда камёб ва эндем турлар популяциялари тўғрисидаги маълумотлар табиатни муҳофаза қилиш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2016 йил 23 мартдаги РФ-02/19-1520-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари сув сифатини аниқлаш, уларни тозалаш ҳамда регрессив популяцияларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш имконини берган;

икки паллали моллюскалардан марварид етиштириш йўллари ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 15 мартдаги 02/12-387-сон маълумотномаси). Илмий натижалар балиқчилик хўжаликларида моллюскалардан жаҳон андозасига мос ўртача катталиқдаги ($L_{15,5}/L_{23}$) марваридлар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашир этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Иккипаллали моллюскалар ва улардан фойдаланиш бўйича таҳлиллар**» деб номланган биринчи бобида икки паллали моллюскаларнинг ўрганилиш тарихи ва тажриба ўтказиш жойи ва қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган.

МДХ мамлакатлари иккипаллали моллюскаларини ўрганиш бўйича В.И.Жадин (1948, 1952), А.Ф.Алимов (1981), Я.И.Старобогатов, З.И.Иззатуллаев (1984), З.И.Иззатуллаев (1980, 1992, 2001, 2014), С.И.Андреева (2006), С.И.Андреева, Н.И. Андреев, А.Н. Красногорова (2008, 2009), Ф.Э.Рубинова, Ю.Н. Иванов (2005) лар тадқиқотлар олиб борган.

Икки паллали моллюскаларнинг тур таркиби ва тарқалиши, систематикаси бўйича илмий ишларни хорижлик олимлар James H.Thorp., Alanp Covich(1991), Aldridge DC (1999), Bouchet P (2007), Huber Markus (2010), Bogan A.E (2010), Annabelle Cuttelod et al. (2011) ва иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, сунъий сув ҳавзаларида улардан марварид етиштириш бўйича тадқиқотлар Maria Haws (2002), Mamangkey NGF et al(2009), Rahayu S et al.(2009); Sata Yoshida Srie Rahayu et al. (2013) томонидан олиб борилган. популяциялари ҳолатини баҳолаш ва глобал инвазион турларининг тарқалиши Алёхина Г.П ва бошқ.(2007); Panov V.E et al.(2009), Сон М.О (2009), Янович Л.Н (2013) икки паллали моллюскаларни сувни ифлосланганлик даражасини аниқлашдаги аҳамияти бўйича тадқиқотларни Рижинашвили А.Л (2009), Синтюрина А.Б, Бигалиев А.Б (2009), Кузменкин Д.В (2015) лар тамонидан олиб борилган.

Ишни бажаришда зоологик, малакологик, биометрик, статистик ва киёсий таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг икки паллали моллюскалари**» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда тарқалган икки паллали моллюскаларнинг Unionidae ва Corbiculidae оилаларига мансуб турларнинг таркиби, морфологияси, экологияси, уларнинг дарё, кўл, балиқчилик хўжаликлари, сув омборлари ва каналларда тарқалиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Ўзбекистоннинг 5 та йирик дарёлари (Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё), 2 та кўл, 9 та балиқчилик хўжалиги, 12 сув омбори ва 12 та каналларида олиб борилган тадқиқотлар натижасида икки паллали моллюскаларнинг 2 оила (Unionidae, Corbiculidae) 4 та уруғга тааллуқли, 10 тури ва 2 кенжа турининг яшаши аниқланди:

Bivalvia Linne, 1758 синфи

Unioniformes Stoliczka ,1871 туркуми

Unionidae Rafinesque, 1820 оиласи

Sinanodonta Modell, 1944 уруғи


1. *Sinanodonta gibba* (Benson, 1895)

2. *Sinanodonta puerorum* (Heude, 1880)
3. *Sinanodonta orbicularis* (Heude, 1880)
***Colletopterum Bourguignat, 1881* уруғи**
***Colletopterum s.str.* кенжа уруғи**
4. *Colletopterum bactrianum* (Rolle, 1897)
***Ponderosiana Bourguignat, 1881* кенжа уруғи**
5. *Colletopterum cyreum sogdianum* (Kobelt, 1896)
6. *Colletopterum ponderosum volgense* (Shadin, 1938)
7. *Colletopterum kokandicum* (Strobagatov et Izzatullayev, 1980)
***Cardiiformes Ferussac, 1821* туркуми**
***Corbiculidae Gray, 1847* оиласи**
***Corbicula Meqerle, 1811,* уруғи**
8. *Corbicula cor* (Lamarck, 1818)
9. *Corbicula fluminalis* (O.F. Müller, 1774)
10. *Corbicula purpurea* Prime, 1864
***Corbiculina Dall , 1903* уруғи**
11. *Corbiculina tibetensis* (Prashad, 1929)
12. *Corbiculina ferghanensis* (Kursalova et Starobogatov, 1971)

Ўзбекистон сув ҳавзаларига *Unionidae* оиласининг хитой тишсизлари – *Sinanodonta* уруғининг 3 тури – *S. gibba*, *S. puerorum* ва *S. orbicularis* тасодифан иқлимлаштирилгани илк бор аниқланди. Бу моллюскалар Шарқий Осиё (Япония, Ҳиндхитой) учун характерли *Sinanodonta s.str.* кенжа уруғи вакиллари ҳисобланади. Улар бизнинг худудга хитой комплекс балиқлари (хумбош, оқ амур кабилар) ни иқлимлаштириш натижасида моллюскаларнинг личинкалари – глохидиялари билан биргаликда барча дарё хавзаларига (канал, сув омбори, балиқчилик хўжаликлари) тарқалган.

Дарёларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида икки паллали моллюскаларнинг Сирдарёда 10 тури ва 2 кенжа тури (жами 12 тур), Амударё ва Зарафшон дарёларида 9 тури ва 2 кенжа тури (жами 11 тур), Қашқадарёда 7 тури ва 1 кенжа тури (жами 8 тур), Сурхондарёда 6 турининг тарқалганлиги аниқланди. Дарёлар текисликда тарқалган сув ҳавзаси ҳисобланади – унда моллюскаларнинг барча уруғ вакиллари ўзаро яқин фойзаларда (23-27%) учрайди. Дарёларнинг узунлиги ва унда моллюскалар яшайдиган барча биотопларнинг мавжудлиги сув ҳавзасини моллюскалар учун қулай сув ҳавзаси бўлишига олиб келган. Бироқ, таъкидлаш лозимки, дарёларда барча турлар учрасада, улар ўзаро зичлиги билан фарқ қилади. Масалан, *Sinanodonta* вакиллари дарёларда учраганлиги билан, уларнинг зичлиги бошқа сув ҳавзаларига қараганда пастдир. Дарёлар *Corbiculina* уруғи турларининг кўпайиши ва тарқалиши учун энг қулай бўлган сув ҳавзасидир. Дарёларда бу уруғ вакиллари энг максимал зичликка етади (масалан, *Corbiculina tibetensis* – Ўрта Зарафшонда 4,4/м²; *Corbiculina ferghanensis* – Ўрта Амударёда 4,2/м²). Айтиш лозимки, Ўзбекистон дарёларининг лой оқизиклари таркиби *Unionidae* ва *Corbiculidae* оиласи вакиллари хавзалар

бўйлаб ўзаро тақсимланишига бевосита таъсир этади. Хусусан, Сирдарё, Амударё ва Зарафшонларда лой оқизикларининг кўплиги лой битопларида яшашга мослашган *Unionidae* оиласи вакиллари устунлик қилишига олиб келган. Қашқадарёда эса қумлоқ ерларда *Corbiculidae* оиласи турлари кенг тарқалган (1-расм).




1-расм. Ўзбекистон дарёларида тарқалган *Unionidae* ва *Corbiculidae* оилалари турлар сони

Бундан ташқари, Ўзбекистон дарёларининг сув сақлаш миқдори ва шунга кўра мавсумий гидрологик режими иккипаллали моллюскаларнинг турлар сонига бевосита таъсир этувчи омиллардан деб ҳисоблаш мумкин. Ўрганилган турларнинг 50% дарёларнинг ўрта қисмида кенг тарқалган (*S.orbicularis*, *S.gibba*, *C.cyreum sogdianum*, *C.purpurea*, *C.tibetensis* ва *C.ferghanensis*) турлар ҳисобланади (2-расм). Икки паллали моллюскалар ичида Ўзбекистон дарёларининг қуйи қисмларида кенг тарқалган турларни кўп деб бўлмайди, фақатгина *Corbiculina tibetensis* тури дарёларнинг ҳам ўрта, ҳам қуйи қисмида учрайди, шунга кўра бу турни яшаш шароитига ва дарёлар гидрологик режимининг ўзгарувчанлигига кенг диапазонда мослашган тур деб айтиш мумкин. Ўзбекистон дарёларининг ўрта ва қуйи қисмларида яшашга тор диапазонда мослашган турлар айни эндем ва ноёб турлар ва кенжа турга – *C.bactrianum*, *C.cyreum sogdianum*, *C.fluminalis*, *C.purpurea*, *C.cor* тегишлидир. Улар дарёларнинг ўрта қисмида тарқалсада, қуйи қисми – ноқулай дарё гидрологик режими ва юқори ифлосланиш даражаси уларнинг кенг тарқалишига чекловчи таъсир этади.

Балиқчилик хўжаликлари ва сув омборлари иккипаллали моллюскалар учун ўзига хос муҳитдир. Бундай сув ҳавзаларида энг кўп тарқалган уруғ вакилларидан *Sinanodonta* уруғи вакиллари келтириш мумкин. Айниқса, *Sinanodontalar* учун балиқчилик хўжаликлари энг қулай бўлган сув ҳавзасидир. Бундай ҳавзаларда уларнинг зичлиги максимал қийматга етади (масалан, Челак – 3/м²). Буни балиқчилик хўжаликларида лойли биотопларнинг кўплиги ва яна улар кўпайиши ҳамда кенг тарқалиши учун балиқларнинг мавжудлиги билан тушунтириш мумкин. *Sinanodonta* уруғи

барча турларининг зичлиги балиқчилик хўжаликларида дарёларга нисбатан 1,2-1,4 баробарга кўпдир. Айрим турларнинг, масалан, *S.orbicularis* ва *S.puerorum* Қуйи Амударёда учрамасада, улар шу дарё ҳавзаси балиқчилик хўжаликларида тарқалган. Таъкидлаш лозимки, балиқчилик хўжалиги кўпгина турларнинг яшаб қолиши ва тарқалишига ҳам ижобий таъсир этмайди. Бу ҳолат эндем бўлган *Colletopterum* вакилларида яққол намоён бўлади. Бу уруғнинг вакиллари дарёларда кенг тарқалган бўлсада, улар балиқчилик хўжаликларида кам учрайди.



2-расм. Иккипаллали моллюска турларини дарёларнинг ўрта ва қуйи қисмларида тарқалиши

Масалан, Амударё, Сирдарё ва Зарафшонларнинг эндеми бўлган *C.bactrianum* фақатгина Зарафшон ҳавзасидаги Челак балиқчилик хўжалигида учрайди ва унинг зичлиги дарёниқидан 1,4 маротабага юқоридир. *C.cyreum sogdianum* Ўзбекистон йирик дарёларининг асосан, ўрта қисмларидаги тоза сувларда тарқалган турдир, аммо улар ҳавзасидаги кўпгина балиқчилик хўжаликларида бу турни учратиш бўлмайди. Қумли биотопларда яшайдиган *Corbicula* ва *Corbiculina* уруғи турлари учун балиқчилик хўжаликларини ноқулай сув ҳавзаси деб айтиш мумкин.

Дарё ҳавзасига нисбатан каналларда иккипаллали моллюскаларнинг турлар сони ўртача 35% ни ташкил этсада, уларнинг зичликларини анча камлигини кўриш мумкин. Ҳатто, кенг тарқалган *Sinanodonta* уруғлари вакиллариининг солиштирма зичлик коэффициентини айрим каналларда 0,2 гача тушиб кетиши, каналларда моллюскалар кўпайишига ҳам салбий таъсир этади деб, баҳолаш мумкин. Каналлардаги сув оқимининг тезлиги, улардан фаол ирригация тизими сифатида доимий фойдаланиш, каналларда сув йўқотилишининг олдини олиш учун уларни изоляциялаш (масалан тубини цементлаш) каналлар гидрологик режимининг кескин ўзгаришига олиб келади.

XX аср ўрталарида қуруқликлардаги зоогеографик тўсиқларнинг антропоген бузилиши узоқ муддат давомида ўзгармай келган кўпгина ҳудудлар фаунасига, хусусан, гидрофаунасига инвазион турларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бугунги кунда Евроосиё қитъасининг шимолий минтақалари учун инвазион тур бўлган иккипаллали моллюска *Sinanodonta woodiana* ни экспанциясини алоҳида таъкидлаш лозим (Popa, 2007; Danilin, 2014). Балиқлар билан келиш эҳтимоли юқори бўлган *Sinanodonta woodiana* нинг Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида, хусусан, Ўзбекистонда мавжудлиги ёки тарқалиб кетганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ. Агарда *Sinanodonta woodiana* нинг табиий ареалига назар ташласак, унинг ареали кўпроқ шимолий ҳудудлар – Корея, Хитой, Япония ороллари ва Россиянинг Узоқ Шарқда (Амур ҳавзаси ва Приморья ўлкаси) ётади (Антонова, 1988). Маълумотларга қараганда, *Sinanodonta woodiana* иссиқ ҳудудлардан кўра, кўпроқ совуқ ҳудудларга тез мослашувчан хусусиятларга эга, ҳатто улар сув ҳарорати 7-10⁰С бўлганда ҳам тухум қўйиш хусусиятига эга бўлади (Янович, 2010). Айтиш мумкин бу турни Евроосиёнинг шимолий ҳудудларида кенг тарқалишига, аммо қитъанинг жанубида тарқалмаслигига чекловчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳароратнинг иккипаллали моллюскалар учун чекловчи омил бўлиб хизмат қилишини *Sinanodonta* уруғининг бошқа вакиллари – тадқиқотда Ўзбекистон ҳудудида учровчи инвазион турлар – Хитой тишсизлари *S.orbicularis*, *S.gibba*, *S. puerorum* да ҳам кўриш мумкин. Бу турларнинг табиий ареали *Sinanodonta woodiana* ареалидан жануброқда – Хитойнинг Янцзи ва Хуанхе дарё ҳудудлари ҳисобланади (Kraszewski, Zdanowski, 2001). Адабиёт таҳлилларига қараганда (Yuriy I. Kantor, Maxim V. Vinarski, Anatoly A. Schileyko, Alexander V. Sysoev N , 2009) бу уч тур аксинча, Евроосиё қитъасининг шимолий минтақаларида (Россия, Европанинг барча қисми) умуман учрамайди, бироқ Ўрта Осиёнинг жанубида бу турларни қарийб барча сув ҳавзаларида учрайдиган ва зичлиги юқори бўлган турлар деб айтиш мумкин.

Бу уруғ вакиллари Ўзбекистон сув ҳавзаларида муваффақиятли тарқалиши нафақат иқлим омиллари (ҳарорат), балки яна сунъий сув ҳавзаларидан балиқчилик хўжаликлари ва ирригацион боғловчи аҳамиятидаги каналлар ҳам қатта аҳамиятга эга. Балиқчилик хўжаликларини нафақат моллюскаларнинг тарқалишида, балки уларни сақлаб қолинишида ҳам муҳим аҳамияти мавжудлиги тадқиқотларда кўринди. Хусусан, кўпгина дарё ҳудудларининг ноқулай қуйи оқимларида (Қуйи Амударё ва Қуйи Зарафшон) бу уруғ вакиллари учрамаслиги, аммо хўжалиқларда мавжудлиги турлар популяциясининг сақланиб қолинишига хизмат қилади, айниқса, бу уруғ вакиллари энг йирик зичлигини балиқчилик хўжалиқларида мавжудлиги *Sinanodonta* лар учун балиқчилик хўжаликлари аҳамиятининг юқори эканлигини билдиради.

Диссертациянинг «Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги камёб ва эндем иккипаллали моллюскалар популяцияларининг замонавий ҳолати» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда тарқалган ва “Қизил китоб” га

киритилган турларнинг сув ҳавзаларида тарқалган популяциялари ҳолати, тузилиши ва уларга таъсир этувчи омиллар келтирилган.

Ўзбекистон сув ҳавзаларида тарқалган 10 тур ва 2 кенжа туридан икки паллали моллюскаларнинг 50% ни (6 тур) ЎзР “Қизил китоби”га киритилган бўлиб, бу улар популяцияларининг замонавий ҳолати бўйича маълумотлар олиш заруриятини белгилаб беради.

Қуйида Ўзбекистон сув ҳавзаларида тарқалган ЎзР “Қизил китоби”га киритилган иккипаллали моллюска турлари популяцияларининг ҳолати бўйича маълумотлар келтириб ўтилади.

Colletopterum bactrianum. Мақоми. 1 (EN): Йўқ бўлиб кетаётган, мозаик тарқалган эндемик тур (ЎзР “Қизил китоби”, 2009).

*C. bactrianum*нинг Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги популяция ҳолати: **P₁**. Сирдарёнинг Сирдарё популяцияси кум қовлаб олиндиган карьер ҳудуди атрофида жойлашган: 2-3 – 23%, $\rho=0,7$; 4-5 – 30%, $\rho=0,9$; 6-7 – 27%, $\rho=0,8$; 8+ – 20%, $\rho=$ тг. **P₂**. Ўрта Зарафшон: 2-3 – 38%, $\rho=1,9$; 4-5 – 32%, $\rho=1,6$; 6-7 – 20%, $\rho=1,0$; 8+ – 10%, $\rho=0,0$. **P₃**. Ўрта Амударё: 2-3 – 35%, $\rho=1,4$, 4-5 – 30%, $\rho=0,0$; 6-7 – 25%, $\rho=1$; 8+ – 10%, $\rho=0,0$.

*C. bactrianum*нинг сув ҳавзаларидаги популяцияларини ўзаро фарқланадиган жихати, уларнинг ёш кўрсаткичидир. Ўрта Зарафшон ва Ўрта Амударё ҳудудларида популяциянинг 4 ёш гуруҳлари ўртасидаги нисбат 1:0,8:0,5:0,3 ва 1:0,8:0,7:0,3 ларни ташкил этади ва бундай тўлақонли нисбат икки паллали моллюска популяцияси учун меъёрий хусусиятдир (Герасимова ва бошқ.; Варигин, 2011). Аксинча, бу кўрсаткич Сирдарёда ўзга нисбатга – 0,7:1,3:1,1:0,9 эга, яъни ёш индивидлар (2-3) кам бўлгани ҳолда, унда вояга етган (4-5) ва ўрта ёшдаги (6-7) индивидлар улуши катта. Генератив қобилятга эга вояга етган ва ўрта ёшдаги индивидлар улуши катта бўлган ҳолида ёш популяциялар улушининг камлиги, бу популяциянинг ўз-ўзини тиклаш хусусиятини манфий эканлигини билдиради.

Colletopterum kokandicum. Мақоми. 1 (CR): Бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган Фарғона эндемиги (ЎзР “Қизил китоби”, 2009). Турнинг Ўзбекистон сув ҳавзаларида тарқалган популяцияларининг ҳолати қуйидагича: **P₁**. Фарғона вилояти ҳудудидаги популяцияси Печкорон қўлидан топилди: 2-3 – 42%, $\rho=2,6$; 4-5 – 34%, $\rho=2,2$; 6-7 – 11%, $\rho=0,7$; 8+ – 9%, $\rho=0,5$. **P₂**. Сирдарёнинг Сирдарё популяцияси Чиноз тумани ҳудудида кенгроқ майдонларда тарқалган: 2-3 – 42%, $\rho=3,3$; 4-5 – 38%, $\rho=0,8$; 6-7 – 13%, $\rho=0,9$; 8 + – 7%, $\rho=0,6$.

*C. kokandicum*нинг зичлиги Сирдарё ва Фарғона популяцияларида турлича бўлсада, бу иккала ҳудуд популяциялари ёш кўрсаткичларидаги умумийлик – уларда ёш – 2-3 ва вояга етган – 4-5 ёшли индивидлар улушининг ҳаддан ташқари катталигидир. Бу иккала гуруҳ ёшдагилар популяциянинг 75-88% ини ташкил этади. Ҳар иккала популяцияда ҳам 6-7, айниқса, 8 ёш ва ундан катта моллюскалар улушининг кескин камлиги кўринади. Бизнингча, айтиш мумкинки, бу омил турни кам тарқалишига таъсир этувчи кўрсаткичлардан бўлиши мумкин. Бу ўринда айтиш мумкинки, *C.*

kokandicum популяциянинг тартибга солиб турувчи асосий индивидлар бўлар 4-5 ёшли моллюскалардир, айти шу ёшдагиларнинг ҳисобига популяцияда 2-3 ёшдаги индивидлар юқори зичликда ушлаб турилади. 6 ёш ва ундан катта ёшдаги моллюскалар зичлигининг кескин пасайиб кетиши уларнинг биологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Colletopterum cyreum sogdianum. Мақоми. 2 (VU:D): Заиф, қисқариб бораётган мозаик тарқалган, эндемик кенжа тур (ЎЗР Қизил китоби, 2009).

*C. cyreum sogdianum*ни Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги популяцияларининг ҳолати қуйидагича: **Р₁**. Сирдарёнинг Сирдарё популяцияси: 2-3 – 34%, $\rho=1,5$; 4-5 – 30%, $\rho=1,3$; 6-7 – 20%, $\rho=0,9$; 8+ – 16%. **Р₂**. Ўрта Зарафшон: 2-3 – 35%, $\rho=1,4$; 4-5 – 30%, $\rho=1,2$; 6-7 – 25%, $\rho=1,0$; 8+ 10%, $\rho=0,4$. **3. Р₃**. Ўрта Қашқадарё: 2-3 – 38%, $\rho=1,8$; 4-5 – 27%, $\rho=2,0$; 6-7 – 23%, $\rho=1,1$; 8+ – 12%, $\rho=0,6$. **Р₄**. Қуйи Қашқадарё: 2-3 – 58%, $\rho=1,4$; 4-5 – 27%, $\rho=0,8$; 6-7 – 15%, $\rho=0,4$; 8+ – 00. **Р₅**. Ўрта Сурхондарё: 2-3 – 33%, $\rho=1,9$; 4-5 – 32%, $\rho=2,4$; 6-7 – 25%, $\rho=1,9$; 8+ – 10%, $\rho=0,8$. **Р₆**. Ўрта Амударё: 2-3 – 35%, $\rho=2,4$; 4-5 – 30%, $\rho=2,0$; 6-7 – 25%, $\rho=1,7$; 8+ – 00. **Р₇**. Қуйи Амударё: 3 – 35%, $\rho=2,4$; 4-5 – 30%, $\rho=2,0$; 6-7 – 0; 8+ 0.

*C. cyreum sogdianum*нинг энг юқори сифими ва биомассаси Ўрта Амударёда кузатилди, бу ҳолат Амударёнинг юқори лойқалиги даражаси билан алоқадор бўлиши мумкин. Юқори сифим ва биомассаси жиҳатидан кейинги ўринларда Сурхондарё, Сирдарё ва Зарафшон худудлари популяциялари туради. Дарёнинг қуйи қисмларида сув сатҳининг доимий ўзгариб туриши ўрта ва катта ёшдаги индивидларни яшовчанлигига салбий таъсир этади. *C. cyreum sogdianum*ни гидрологик режими ноқулай бўлган дарёнинг қуйи қисмларида ҳам учраши тур ареалини кенгайиб бораётганлигини изоҳлайди. Ўрганилган барча сув ҳавзаларида турнинг ёш спектри тақсимланишининг чизикли равишда камайиб бориши хосдир.

Corbicula cor. Мақоми. 2 (VU:D): Заиф, қисқариб бораётган мозаик тарқалган тур (ЎЗР “Қизил китоби”, 2009).

*C. cor*нинг Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги популяцияларининг ҳолати қуйидагича: **Р₁**. Сирдарёнинг Фарғона популяцияси: 2 – 43%, $\rho=3,1$; 3 – 35%, $\rho=2,5$; 4 – 22%, $\rho=1,6$. **Р₂**. Сирдарёнинг Сирдарё популяцияси: 2 – 37%, $\rho=2,4$; 3 – 39%, $\rho=2,6$; 4 – 24%, $\rho=1,6$. **Р₃**. Ўрта Зарафшон: 2 – 48%, $\rho=3,1$; 3 – 33%, $\rho=2,1$; 4 – 19%, $\rho=1,2$. **Р₄**. Ўрта Қашқадарё: 2 – 43%, $\rho=3,5$; 3 – 35%, $\rho=2,8$; 4 – 22%, $\rho=1,8$. **Р₅**. Ўрта Амударё: 2 – 39%, $\rho=2,5$; 3 – 35%; $\rho=$; 4 – 20%, $\rho=1,3$.

*Corbicula cor*нинг популяцияларини ёш кўрсаткичлари пасайиб боришининг мутаносиблик кўрсаткичлари, унинг Сирдарёнинг Фарғона вилояти худуди, Ўрта Зарафшон ва Ўрта Қашқадарёда тарқалган популяцияларида кузатилди. Турнинг Ўрта Амударё ва Сирдарёнинг Сирдарё вилояти худудидаги популяцияларида ювенил (2) индивидлар зичлигини ўрта (3) ёшдагилардан камлиги популяцияда ўз-ўзини тиклаш жараёнининг камлигини кўрсатади. Буни ушбу дарё худудларида лойли оқизиклар миқдорининг кўплиги ёш индивидларни ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир этиши билан изоҳлаш мумкин.

Corbicula purpurea. Мақоми. 2 (VU:D) заиф, қисқариб бораётган тур (ЎЗР “Қизил китоб”и, 2009). *C. purpurea* ЎЗР “Қизил китоб”ига киритилган бўлсада, уни қарийб барча дарё ҳавзаларининг ўрта қисмлари, сув омборлари ва ҳатто балиқчилик хўжаликларида тарқалганлигини кўриш мумкин.


Р₁. Сирдарёнинг Фарғона популяцияси: 2 – 44%, $\rho=2,8$; 3 – 40%, $\rho=2,5$; 4 – 16%, 1, 0. **Р₂**. Сирдарёнинг Сирдарё популяцияси: 2 – 46%, $\rho=2,9$; 3 – 38%, $\rho=2,4$; 4 – 16%, $\rho=22$. **Р₃**. Ўрта Зарафшон: 2 – 48%, $\rho=3,3$; 3 – 37%, $\rho=2,6$; 4 – 15%, $\rho=1,0$. **Р₄**. Ўрта Қашқадарё: 2 – 50%, $\rho=3,4$; 3 – 34%, $\rho=2,3$; 4 – 16%, $\rho=1,1$. **Р₅**. Ўрта Сурхондарё: 2 – 44%, $\rho=2,0$; 3 – 33%, $\rho=1,5$; 4 – 23%, $\rho=1,0$. **Р₆**. Ўрта Амударё: 2 – 45%, $\rho=3,0$; 3 – 22%, $\rho=2,7$; 4 – 15%, $\rho=1,0$.

*Corbicula purpurea*нинг Ўрта Амударё ҳудудидаги популяцияси кўрсаткичлари биологик жиҳатдан фарқланадиган ёш индивидлари ўртасида ўзаро катта фарқларнинг бўлмаслиги билан фарқланади. Популяциядаги энг катта улушни 2 ва 3 ёшли моллюскалар ташкил этади. Барча популяциянинг ёш кўрсаткичлари (зичлиги ва миқдори) га ҳар кейинги ёш гуруҳида пасайиб бориши хосдир.

Corbicula fluminalis. Мақоми. 2 (VU:D) заиф, қисқариб бораётган тур (ЎЗР “Қизил китоби”, 2009). *C. fluminalis*нинг Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги популяцияларининг ҳолати қуйидагича: **Р₁**. Сирдарёнинг Фарғона популяцияси: 2 – 43%, $\rho=2,6$; 3 – 37%, $\rho=2,2$; 4 – 20%, $\rho=1,2$. **Р₂**. Сирдарёнинг Сирдарё популяцияси: 2 – 41%, $\rho=2,8$; 3 – 43%, $\rho=2,5$; 4 – 16%, $\rho=1,1$. **Р₃**. Ўрта Зарафшон: 2 – 44%, $\rho=3,3$; 3 – 39%, $\rho=2,9$; 4 – 17%, $\rho=1,3$. **Р₄**. Ўрта Қашқадарё: 2 – 44%, $\rho=2,9$; 3 – 38%, $\rho=2,5$; 4 – 18%, $\rho=1,2$. **Р₅**. Ўрта Амударё: 2 – 40%, $\rho=2,4$; 3 – 45%, $\rho=2,7$; 4 – 5%, $\rho=0,9$.

*C. fluminalis*нинг популяцияларини ёш кўрсаткичлари пасайиб боришининг мутаносиблик кўрсаткичлари, унинг Сирдарёнинг Фарғона вилояти ҳудуди, Ўрта Зарафшон ва Ўрта Қашқадарёда тарқалган популяцияларида кузатилди. Турнинг Ўрта Амударё ва Сирдарёнинг Сирдарё вилояти ҳудудидаги популяцияларида ювенил (2+) индивидлар зичлигини ўрта (3+) ёшдагилардан камлиги популяцияда ўз-ўзини тиклаш жараёнининг камлигини кўрсатади. Буни ушбу дарё ҳудудларида лойли оқизиклар миқдорининг кўплиги ёш индивидларни ўсиш ва ривожланишига салбий таъсир этиши билан изохлаш мумкин.

Иккипаллали моллюска популяциясининг ёш тузилиши, унинг турғун ёш тузилишида ўз ифодасини топади, яъни индивидларнинг сони кейинги ёш гуруҳларига ўтган сари камайиб бориш хусусиятига эга. Бироқ олинган маълумотлар табиий шароитларда бу турғунликни доимий бузилиб туришини кўрсатади ва бунда бир ёш тузилишини иккинчи ёш тузилиши билан циклик алмашилиб туриши амалга ошади (Максимович, Герасимова, 2007; Варигин, 2011). “Қизил китоб”га киритилган иккипаллали моллюскалар – *Colletopterum bactrianum*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *Colletopterum kokandicum*, *Corbicula cor*, *Corbicula purpurea*, *Corbicula fluminalis*ларнинг ўрганилган 28 та популяцияларининг 23 таси ёки 82% популяциялар ёш тузилишининг I ҳолатига – мос эканлигини кўриш мумкин.



3-расм. ЎЗР “Қизил китоб”га киритилган икки паллали моллюска турлари биологик ёш гуруҳларининг турли популяцияларда тақсимланиши


Хусусан, бундай популяцияларда ёш биологик гуруҳларнинг устунлик қилиши, катта ёшдагилар сонининг эса, ниҳоятда камлиги билан ажралиб туради (3-расм). Бироқ бундай популяциялар ташқи муҳит таъсирига тез берилувчанлиги билан ажралиб туришини айтиш лозим.

Бундан, ЎзР “Қизил китоби”га киритилган барча икки паллали моллюска турлари популяцияларини беқарорлигини хулоса қилиш мумкин. Қолган 18% ёки 5 та популяция моллюска популяциялари ёш тузилишининг III ҳолатини ўзида акс эттиради. Бундай ёш тузилиш ҳолатидаги популяциялар *Colletopterum bactrianum*нинг Сирдарёнинг Сирдарё вилояти ҳудуди, *Corbicula cor* ва *Corbicula fluminalis*ларнинг Сирдарёнинг Сирдарё вилояти ҳамда Ўрта Амударё ҳудудларида тарқалган популяциялари киради. Бундай популяциялар маълум сабабларга кўра ёш ҳолатларининг бузилганлигини, аммо тикланаётганлигини ўзида ифодалайди. Бунда етук ва фаол кўпайиш ёшидаги биологик гуруҳларнинг ёш биологик гуруҳдан устунлик қилиши амалга ошади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, *C. bactrianum*нинг Сирдарёнинг Сирдарё вилояти ҳудуди популяцияси қурилиш хом ашёси сифатида фойдаланиладиган қум қазиб олиш каръери ҳудудига тўғри келади. Бунда тур популяцияси номуностаблигини 2 та кўрсаткич билан изоҳлаш мумкин: биринчиси – популяция зичлигининг ниҳоятда камлиги, яъни унинг зичлигини барча биологик гуруҳлар ўртасида атиги ҳар м² да ўртача 0,7 тани ташкил этишидир; иккинчидан популяцияни тўлдириб турувчи ёш биологик гуруҳлар зичлигининг ҳам бошқа фаол гуруҳлардан кам бўлишидир. *C. cor* ва *C. fluminalis*ларнинг Сирдарёнинг Сирдарё вилояти ҳамда Ўрта Амударё ҳудудларида тарқалган популяцияларида ҳам популяциялари ёш тузилишининг III ҳолатдалигини, уларнинг бу ҳудуддаги популяцияларига Сирдарё ва Амударёдаги ноқулай қум аралаш лойли биотопларнинг салбий таъсири билан изоҳлаш мумкин. Бу турларнинг фақат қумли биотопларда яшашга мослашганлигини инобатга олсак, улар ёш биологик гуруҳларининг зичлигини бу ҳудудларда камлиги айни улар тухум ва личинкалари ривожланишига қум аралаш лой биотопларнинг салбий таъсир этаётганлигини кўрсатади. *C. cyreum sogdianum*ни Ўзбекистон табиий ва сунъий сув ҳавзаларида тарқалиш даражаси ҳамда популяциясининг кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда уни тарқалиш ҳудуди кенгайиб бораётган тур сифатида қараш мумкин. Худди шу ҳолатни *Corbicula purpurea* мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу турни *Corbicula* уруғи турлари ичида табиий ва сунъий сув ҳавзаларида кенг тарқалиши бўйича энг олдинги ўринда турувчи тур деб айтиш мумкин.

Диссертациянинг «**Иккипаллали моллюскалардан фойдаланиш истиқболлари**» деб номланган тўртинчи бобида икки паллали моллюскаларнинг сувларни турли ифлосланганлик даражасини аниқлашдаги, хусусан, сапроблиги, табиий радиоактивлиги ҳамда улардан сув ҳавзаларида маданий марварид етиштириш тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Бобнинг биринчи бўлими икки паллали моллюскаларнинг сапроблик индексига бағишланган. Хусусан, Ўзбекистон дарёларида икки паллали моллюскаларнинг полисапроб гуруҳлари учрамади, бу уларни ўта ифлос сувларда яшай олмаслигини изоҳлайди. Бироқ полисапроб гуруҳга яқин турувчи α -мезасапроб турлар икки паллали моллюскаларнинг қарийб 60% ни ташкил этди (4-расм).



4-расм. Икки паллали моллюскаларнинг сапроблик спектри

Бундай турлар асосан Зарафшоннинг қуйи қисмида ва Сирдарёнинг Сирдарё вилояти худдудида тарқалган турлар (*Sinanodonta gibba*, *Sinanodonta puerorum*, *Colleopterum cyreum sogdianum*, *Colleopterum ponderosum volgense*, *Corbicula purpurea*, *Corbiculina tibetensis*, *Corbiculina ferghanensis*) зиммасига тўғри келади. Бу турлар ичида *Sinanodonta gibba*, *Corbiculina ferghanensis* ва *Corbiculina tibetensis*лар сапроблиги бўйича кенг спектрга эга бўлиб, сапроблик индекси бўйича (ўртача 3,3) полисапроб кўрсаткичига (3,5) яқинлашиб қолади. Айниқса, *Corbiculina tibetensis* ва *Corbiculina ferghanensis* нинг сапроблик индекси 3,3-3,5 бўлиб, бу турлар ҳатто бошқа икки паллали моллюска турлари тарқалмаган қуйи Амударё худдудида жойлашган шўр Ашиқўлда ҳам мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз, бу эса уларнинг сапроблик индексига ҳам мос келади. Қолган турлар (40%) фақатгина β -мезасапроб гуруҳга мансуб бўлиб (*Sinanodonta orbicularis*, *Colleopterum bactrianum*, *Colleopterum kokandicum*, *Corbicula cor*, *Corbicula fluminalis*), уларнинг аксариятини ноёб ва кам тарқалган турлар ташкил этади. β -мезасапроблик спектри бўйича *Sinanodonta orbicularis* қолган 4 та турдан устунлик қилади.


Олинган маълумотлар икки паллали моллюскаларни сувнинг сифатини белгилашда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим, айниқса, β -мезасапроб турларнинг аксариятини ноёб ва камёб турлар жумласига тўғри келиши, уларни ифлос сувларда яшаш олмасликлари ва бу омил уларни тарқалишида муҳим аҳамиятга эга эканлигини аниқлатади. Бундай турлар тарқалган сувларнинг ифлосланиш даражасига кўра III (ўртача

ифлосланган) гуруҳга киритиш мумкин. Қолган β - α -мезасопроб турларнинг сапроблик зонасида яшаш имкониятлари юқори бўлиб, сув ҳавзаларида улардан, айниқса, *Sinanodonta gibba*, *Corbiculina ferghanensis* ва *Corbiculina tibetensis*ларнинг учраши сув ҳавзаларининг III ва IV (ифлосланган) гуруҳига киришини англатади. Агарда ўрганилган икки паллали моллюскаларнинг дарёларда тарқалиш даражасини (2-расм), уларнинг дарёлардаги сапроблик спектри билан солиштирсак (4-расм), икки паллали моллюскаларнинг тарқалиши билан уларнинг сапроблик спектрлари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўриш мумкин. Бундан икки паллали моллюскаларнинг сув ҳавзаларида тарқалишида сувнинг сапроблик хусусияти муҳим ўрин тутишини айтиш мумкин. ЎЗР “Қизил китоб”га киритилган турлар ичида *Colletopterum cyreum sogdianum*нинг β - α -мезасопроб гуруҳига кириши ва унинг барча сув ҳавзаларида популяция кўрсаткичларини ижобийлиги ҳам икки паллали моллюскалар тарқалиш даражаси ва уларнинг сапроблик хусусиятлари ўртасида ўзаро боғлиқлик борлигини англатади.

